**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни маҳсулот,жиҳозлар ва моддий товар бойликлар билан таъминлаш бўйича**
**№ 28 сонли ШАРТНОМА**

2022 йил «04» 08 . Дангара шаҳри

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **"VODIY TRADE" хусусий корхонаси** (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб аталади) номидан раҳбари У.Мирзакаримов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Дангара тумани Халк таълими булими номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари А.Содиков ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

**1.Шартнома предмети**

1.1.«Етказиб берувчи» «Буюртмачи»га куйидаги махсулотларни етказиб беради:

| № | Махсулот номи ва тури | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Укув партаси | комплект | 35 | 722000 | 25270000 |
| 2 | Стул | дона | 16 | 209000 | 3344000 |
| 3 | Тумбасиз стол | дона | 15 | 598500 | 8977500 |
| 4 | Учталик кресло | дона | 40 | 693500 | 27740000 |
| 5 | **жами** | | | | **65331500** |

1.2.Мазкур шартноманинг умумий киймати 65331500 сўм, (Олтмиш беш миллион уч юз уттиз бир мингбеш юз ) сўмни ташкил килади.

**Изох:** Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаётган маҳсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эхтиеждан ва нарх-наволардан келиб чиққан холда алохида спецификация холатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган холатда қўшимча келишув оркали шартномани суммасига аниклик киритилади.

**2. Ҳисоб-китоб шартлари.**

2.1 Олинган маҳсулот,жиҳозлар ва моддий товар бойликлар учун хисоб-китоб тўловлар жадвали бўйича ҳисоб-китоб килинади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади хамда тулик хисоб-китобни 60 кун ичида «Етказиб берувчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, счет-фактураларга асосан, етказиб берилган махсулот киймати учун пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% микдоридаги олдиндан тўлов тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Маҳсулотлар учун нарх махсулот етказиб беришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиққан холда белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган махсулот,жиҳозлар ва моддий товар бойликларга белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Етказиб берувчи» зиммасидан копланади.

**3. Маҳсулот етказиб бериш:**

3.1«Етказиб берувчи» шартномада белгиланган маҳсулотларни келишилган таксимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига белгиланган мудлатларда яъни 3 кунда етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

**4. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:**

4.1 «Етказиб берувчи» маҳсулотни сифатини тасдикловчи хужжат (мувофиклик сертификати ва санитария-гигиена сертификати ва хоказолар) ҳамда маҳсулотдан намуна такдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Етказиб берувчи» «Буюртмачи» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок мухр босилган ишонч коғози кўрсатган вакилга махсулот беради. . Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи»нинг ишонч

когозида курсатилмаган маҳсулотларни ёки маҳсулотларни ишонч коғозида белгиланган микдоридан ортик берган холларда бу маҳсулотлар учун «Буюртмачи» томонидан хак туланмайди. Шунингдек, «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотлар етказиб берилса бу маҳсулотлар «Етказиб берувчи»га кайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун хак тўланмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатнома орқали расмийлаштирилади.

4.3.«Етказиб берувчи» етказиб бераетган маҳсулотларини ҳисоб-варакларда тўлик ва аник номини, навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-вараклар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

4.4. «Буюртмачи» «Етказиб берувчи» томонидан юборилган маҳсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган маҳсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

## 5. Жарималар қўлланилиши

5.1 Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз ёки саклаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулотларни етказиб келган ҳолда «Буюртмачи» «Етказиб берувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб утилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Етказиб берувчи» муддатида етказилмаган махсулотларни умумий кийматини 0.5% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган , бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар бахосининг 50%дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.3 Қабул қилинган махсулот учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда хар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган махсулот қийматидан "Буюртмачи" томонидан 0.4 % микдорида "Етказиб берувчи" га пеня тўланади, бирок бунда пеня суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 50%дан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

5.4 Жарималар тўланиши «Етказиб берувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 6. Форс-мажор

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавкулодда холатларда бузилса (яъни сув тошкини,енгин,зилзила,бошка табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус карорларини бажариш билан боғлиқ холатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

## 7. Шартнома муддати

7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

7.2 Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача .Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вактида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

7.3 Шартнома қуйидаги холларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;

б) «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Етказиб берувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1 , 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Етказиб берувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда:

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки купайиши)лозим бўлгани холда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда:

Изоҳ: **б,в,г,д** пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Буюртмачи» «Етказиб берувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум килади

## 8. Кўшимча шартлар

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган такдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан иктисодий судлари оркали хал килинади.

8.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.

8.3 Шартнома спецификацияси келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиеждан ва парх-наволардан келиб чиккан ҳолда алохида тузилиб иккала томон иштирокида имзоланиб тасдикланади ва илова сифатида ушбу шартномани ажралмас қисми ҳисобланади.

8.4 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқлангандан сўнг амалга киритилади.

8.5 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия,гувоҳнома,сертификат «Истеъмолчи»га тақдим этади.

8.6 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

## 9 КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя етилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансаблор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши евазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қуйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар кандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга оширилиши мумкинлиги хақида таъссурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар,

агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.3. Тарафлар-давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вакт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар оркали) содир етилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа руслаги устунликка ега бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф етилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдаи оиинган даромад еканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли бииан уриинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини,тасарруф етиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқукбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

9.4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда,битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат етиш хусусиятига ега бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга .(шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари,

ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш:

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш:

- уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

9.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

9.6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақида зудлик билан ҳабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

Таъминотчи»
**“VODIY TRADE”**
**хусусий корхонаси**
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Богдод тумани, Мусакиллик 7

Тел./ +998902925891____________________
х/в 20208000104354055001
Банк: ТИФ Миллий банк Қўқон ф-ли
МФО 00545 СТИР 205198662
ОКОНХ______________

Раҳбар__________ У.Мирзакаримов

М.Ў.

«Истеъмолчи»
**Дангара тумани Халк таълими бўлими**
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Дангара шахари Фуркат кучаси 7 уй

Тел./факс
ш/х* 400122860302367092100075043
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи200164961
ОКОНХ__________________
Ғазначилик бўлинмаси номи Дангара тумани ғазначилик бўлинмаси
Ғазна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент
МФО 00014
ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар________ А.Содиков

М.Ў.

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"VODIY TRADE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"VODIY TRADE" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

13.08.2004 160 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 205198662

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Farg`ona viloyati, Bog`dod tumani, BOG'DOD SHAXARCHASI MUSTAQILLIK KO'CHASI 7-UY,

Guvohnoma: Farg`ona viloyati, Bog`dod tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi);

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Дангара тумани Халқ таълими
бўлими бошлиғи
________ А.А.Содиков

Дангара тумани Халқ таълими булими тасарруфидаги 15-26-28-мактабларга мебел жихозлари билан таъминлаш ишлари учун ажратилган бюджет маблагларидан самарали фойдаланиш юзасидан утказилган комиссиянинг йигилиши

**12 - СОНЛИ ЙИГИЛИШ БАЁНИ**

2022 йил 04.08 Дангара шахри

| | |
|---|---|
| Л.Юлдашев | -Махсус таъмирлаш-экспулататсия хизмати бош мухандиси |
| Ж.Норкузиев | -Бош хисобчи |
| Р.Хасанов | - ХТБ бош иктисодчиси комиссия аъзоси |
| З.Йигиталиев | -Товар моддий бойликлар хисобчиси танлов комиссияси аъзоси |
| А.Мираминов | -ХТБ мудир уринбосари комиссия аъзоси |

**Йигилиш кун тартибда куриладиган масала:**

Дангара тумани ХТБ га карашли 15-26-28- умумий урта таълим мактабларига мебел жихозлари буюджет маблаглари хисобидан етказиб бериш учун утказилган электрон эълон натижалари тугрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Дангара тумани Халк таълими бўлим буюджет маблаглари хисобидан мактабларга мебел жихозлари билан таъминлаш учун утказилган электрон элонга раислик килувчи А.Содиков сузга чикиб,ушбу элон Узбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тугрисидаги конун асосида шаффоф ва хакконий утканлигини айтиб утди.Шундан сунг Узбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тугрисидаги конуннинг 62-модда 7-хат бошида курсатилгандек,Давлат буюуртмачиси томонидан харид комиссиясига такдим этилган мухокама натижалари тугрисидаги ахбарот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлис баённомаси расмилаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштириш лозим эканлигини яна бир бор такидлаб утди.Мухокама муддати якунига етгандан сунг бошка катнашчилар томонидан хеч кандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиган холда йигилиш хайати:

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Мухокама муддати якунига кадар бошка катнашчилар томонидан этирозлар хеч кандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб "VODIY TRADE хусусий корхонасини йигилиш хайати голиб деб элон килинсин.

2. Голиб деб топилган катнашчи "VODIY TRADE хусусий корхонаси билан конунчиликда белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштириб маблагларни тулаб бериш чоралари курилсин.

Л.Юлдашев ________ Ж.Норкузиев ________ Р.Хасанов ________

З.Йигиталиев ________ А.мираминов ________

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: JD8137047276

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi, 150-uy
Tel. (998 73) 572 17 78, el. pochta: dangara t-yurmarkaz@adliya.uz

" 4 " avgust 2022 yil.

Dang'ara tumani Xalq ta'limi bo'limiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

XULOSA.

1. Loyihaning turi:

**XO'JALIK SHARTNOMASI №28-sonli 04.08.2022 yil.**

2. Loyihaning nomi:

**"VODIY TRADE" MCHJ tomonidan Dang'ara tumani Xalq ta'limi bo'limiga 65.331.500 (oltmish besh million uch yuz o'ttiz bir ming besh yuz) so'mlik 35 dona o'quv partasi, 16 dona stul, 15 dona tumbasiz stol, 40 dona uchtalik kreslo mebel maxsulotlarini yetkazib berish to'g'risida.**

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

**Dang'ara tumani Xalq ta'limi bo'limi**

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi, O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunlari asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti — B.Ergashev